



## Боксчи Қизларни Индивидуал Машғулот Жараёнида Техник-Тактик Ҳаракатларга Ўргатиш Усуллари

Фарход Каримович Турдиев

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва услубияти” кафедраси, п.ф.н., доцент

Зиёдулла Шуҳратиллаевич Хадиятуллаев

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти “Спорт бошқаруви” кафедраси катта ўқитувчisi

### ABSTRACT

Ушбу мақолада боксчи қизларнинг тактик тайёргарлик даражаси, воситалари ва услубларини такомиллаштириш ҳақида фикр юритилган.

### ARTICLE INFO

Received: 8<sup>th</sup> October 2022

Revised: 8<sup>th</sup> November 2022

Accepted: 13<sup>th</sup> December 2022

### KEY WORDS:

жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, Ўзбекистонда хотин-қизлар спортини ривожлантириш, юқори малакали боксчи қизларни индивидуал машғулот жараёнида бокс техник-тактикасига ўргатиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бир неча чиқишлиари ва нутқларида мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ахоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузулмани яратиш, мамлакатнинг халқаро майдонларида муносаб иштирок этишини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгандиги, лекин жисмоний тарбия ва спортни ташкил этишда қатор тизимли муаммолар ва камчиликларнинг мавжудлиги, айниқса хотин-қизлар спортида давлат сиёсатини самарали олиб боришига ва мамлакатнинг мавжуд салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга тўсиқликлар мавжудлиги тўғрисида таъкидлаб ўтдилар.

Шу сабабли хотин - қизлар спортини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимини янада ислоҳ қилиш бугунги кунни давр талаби эканлигидан далолат бермоқда. Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш хотин - қизларни ҳар томонлама жисмонан ривожланиши ва физиологик функцияларнинг такомиллаштириш ва соғломлаштиришга қаратилган муҳим воситадир.

Ўзбекистонда бокс - энг оммавий олимпия спорт турларидан бири. Боксчи қизларнинг бундай кенг оммалашуви унинг томошабоплиги, спорт курашининг юқори эмоционал шиддати ва инсоннинг ҳаракат, психик ҳамда иродавий сифатларига ҳар томонлама таъсир кўрсата олиши билан тушунтирилади.

Бокс йилдан йилга хотин-қизлар орасида кенг тарқалмоқда. Ҳар йили юқори малакали боксчи қизлар қаторини катта муваффақиятларга эришиб келаётган иқтидорли ва моҳир спортчилар тўлдирмокда. Бокс спортчидан нафақат жисмоний, балки ақлий жиҳатдан ҳам юқори даражада ривожланишни тақозо этади. Жангда “тез фикрловчи”, рингдаги доимо ўзгариб турадиган вазиятларни тўғри баҳолай ва таҳлил қила оладиган, техник ҳамда тактик жиҳатдан яхши тайёрланган спортчи ғалаба қозонади. Халқаро мусобақаларда рақобатнинг юксак даражада ўсиб бориши юқори малакали боксчи қизларнинг тайёргарлик даражаси, воситалари ва услубларини такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқаради. Ҳозирги босқичда янги машғулот услубларини ишлаб чиқиш, иш қобилиятини оширишнинг янги самарали воситаларини излаб топиш ўзбек боксчи қизларининг спорт маҳоратини ошириш асоси ҳисобланади.

**Тактика** - бокс назарияси жанг олиб бориш услуби турли хил бўлган рақиблар билан олишиш шакллари, турлари, услублари ва варианtlари ўрганилади. Боксчи қизларнинг тактик маҳорати жангнинг тўғри ташкил қилиниши ва унинг бошқарилиши билан белгиланади. Боксчи қизларнинг тактик маҳорати рақибнинг кучли томонларини бартараф этиш, унинг бўш томонларидан фойдаланиш ва шу билан бир вақтда индивидуал жанг олиб бориш услубини қўллай билишида намоён бўлади. Жангни бошқариш, уни олиб бориш санъати жанг режасини амалда қўллай олиш, унга аниқлик киритиш, зарур ҳолларда эса жанг давомида уни ўзгартира олишдан иборат. Жангни бошқариш қўнимаси боксчи қизларнинг жанговар тез фикрлашига, унинг иродавий сифатларига боғлиқ. Жанг режасини тузиш боксчининг чукур фикрлаш, рақиб ҳаракатларини таҳлил қилиш ва синтезлаш қобилиятига, шунингдек, техник-тактик воситаларнинг эгалланганлик даражасига боғлиқ. Улар қанча турли-туман бўлса, жангни режалаштириш варианtlари шунча кўп бўлади. Олишувни режалаштириш ва уни бошқариш боксчи қизларнинг турли хил жанг шаклларини қай даражада мукаммал ўзлаштириб олганлиги билан чамбарчас боғлиқ. Юқори малакали боксчи қизларни тайёрлаш тизими, жумладан кўп йиллик тайёргарлик жараёнининг даврлари, босқичлари, шу давр ҳамда босқичларида умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик, техник ва тактик тайёргарлик бўйича қўлланиладиган машғулот цикли (микро, мезо ва макроцикллар), машқлар ҳажми ва шиддати, уларнинг нисбати, мусобақа олдидан иш қобилияти ва спорт формасини шакллантириш, вақтинчалик сақлаб туриш, пасайтириш, уни қайта тиклаш, янада ўстириш каби муаммолар бугунги кунда соҳа олимлари томонидан илмий асослаб берилмоқда.

**Хужумкор** - шаклдаги жанг ташаббусни олиб қўйиши назарда тутувчи рақиб билан олишишнинг фаол шакли. У узоқ, ўрта ва яқин масофалардаги хужум, қарши ва жавоб ҳаракатлари ёрдамида амалга оширилади.

**Химоя** - шаклидаги жанг ташаббусни тортиб олган рақибдан химояланиш шакли ҳисобланади, бунда у мустақил ва ёрдамчи бўғин бўлиши ҳамда хужумнинг ривожланишида бирга амалга оширилиши мумкин.

Машғулотларда кўпроқ шартли жангларда тренер топшириғи билан чекланган хужум, химоя ва қарши хужум ҳаракатлари такомиллаштирилади.

Бокс техника ва тактикаси асосан мураккаб бўлган жанговар вазиятга яқин шароитларда такомиллаштирилади. Бунда тренер билан индивидуал машғулот жараёнида ишлаш усули самарали ҳисобланади.

Техникани такомиллаштириш машғулотларида шаклланадиган сифатлар билан бир қаторда боксчи қизларда, шунингдек олдиндан кўзлай билиш реакцияси тезлиги ҳамда аниқлигини (олдиндан сигналларни таҳлил қилиш бўйича ва эҳтимолга яқин башорат натижасида) ҳамда мураккаб танлаш реакциясини такомиллаштиради. Техникани такомиллаштириш бўйича машғулотнинг асосий қисмидан фарқ қилмайдиган тайёргарлик қисмидан сўнг боксчилар шартли жангдаги машқлари ҳамда тренер билан индивидуал машғулотларга киришадилар. Уларда турли хил алдамчи ҳаракатларни (чалғитиш ва чорлашлар, турли масофаларда манёвр олиб бориш, жумладан

оёкларда моҳирлик билан силжиб юриш), узоқ, ўрта ва яқин масофаларда хужум, ҳимоя ҳамда қарши хужум харакатлари, яқин масофага кириш ваундан чиқиш, рингда арқонлар ёнида ва ринг бурчагида харакатларни бажариш, финглар, хужум, ҳимоя ҳамда қарши хужум ҳаракатларини қўллаган ҳолда бир масофадан бошқасига ўтишни такомиллаштирадилар.

**Замонавий жанг** - турли масофаларда бажариладиган силжишлар, зарба ва ҳимоя харакатларининг мураккаб уйғунлигидир. Рақиблар жанговар ҳаракатларини олиб борадиган масофа кўп ҳолларда боксчи қизларнинг техникаси хусусиятларини, жангда турли хил жисмоний ва иродавий сифатларнинг намоён бўлишини белгилаб беради. Ҳар бир масофадаги олишув турлитуман шароитларда ўтади ва ўзининг қонуниятларига эга. Зарбаларни бериш ва ҳимояга ўтиш вақти рақиблар ўртасидаги масофага боғлиқ. Жанговар масофа қанча қисқа бўлса, зарба шунча тез ва сезилмасдан нишонга етиб боради ҳамда ундан ҳимояланиш шунча қийин бўлади. Масофа қанча узоқ бўлса, боксчи рақиби зарбаларидан шунча осонликча ҳимояланади. Ҳар бир масофа учун зарбалардан ҳимояланиш имкониятини белгилаб берувчи вақт чегараси мавжуд. Боксчи қизларда узоқ масофада ўрта масофага қараганда, ўрта масофада эса яқин масофага қараганда ҳимояланиш учун яхши шароит мавжуд. Узоқ масофада ўрта масофага нисбатан ҳаракатларни бажариш учун вақт кўп бўлишига қарамасдан, у барибир секундларда хисобланади. Шунинг учун зарбадан ҳимояланаётганлар узоқ масофада турганликларида қарамасдан, рақиб ҳаракатларига ўз вақтида реакция қилиш учун етарлича тез реакция ва ҳаракатга эга бўлишлари лозим. Боксчи қизларда турли масофалардаги вақт чегараси тегишли техник-тактик ҳаракатларни танлашни белгилаб беради. Реакция ва фикрлаш тезлигининг, тезкорлик ва чақонлик, дикқат ҳамда бошқа сифатларнинг турли даражада ривожланишини тақозо этади. Узоқ масофада, ўрта масофага қараганда, боксчи қизлар ҳар доим хужум бошлашга қийналади, чунки зарба бериш доирасидан ташқарида турган рақиб бошланғич ҳаракатларни нисбатан осонлик билан қабул қиласи ва уларга ҳимояланиш билан реакция қила олади. Ҳужум ва қарши хужум рақиб учун кутилмагандан бўлиши учун боксчи, зарбани тайёрлаётib, унинг дикқатини масофани доимо ўзгартириб туриш ва алдамчи ҳаракатлар билан ҷалғитиши лозим.

Машғулотда тренер фаолиятининг муҳим таркибий қисми ўринлар, бирикишлар ва уларнинг ўзгаришлари, ҳимоя ва хужумларни ишоралар ёрдамида бажариш, хужум, қарши хужум, жавобларнинг турли усууллари бажарилишини ўз ичига оладиган ҳаракатлар хисобланади. Уларни қўллаш беллашув шароитларини моделлаштириш ва боксчининг техник-тактик такомиллашуви вазифаларини самарали ҳал этиш учун шароит яратишга имкон беради (6).

Индивидуал машғулот жараёнида боксчи қизлар реакцияларини ихтисослаштиришга қаратилган турли хилдаги машқларни тадқиқ қилиш натижалари таҳлили уларни шартли равища 7 та асосий кичик гурухларга бирлаштиришга имкон берди.

Расмда реакцияларни ихтисослаштириш бўйича машқлар турларини қўллаш ҳажми нисбатлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, хужум қилиш жойларини (бошга ва гавдага) фарқлай олиш малакасини ифодаловчи машқлар (улар ҳажми 35,0% ни ташкил қиласи) тез-тез қўлланилади. Машқлар турли хилдаги якка зарбалар, яъни бошга ёндан, тўғридан, бош қисмiga, ўнг ва чап қўлда гавда қисмiga бериладиган зарбалардан иборат.

Боксчининг оддий ва мураккаб ҳаракатларни фарқлаш ҳамда уларга қаршилик кўрсатиш малакасини намоён қилишга қаратилган (умумий ҳажмдан 24,3%) машқларга катта эътибор қаратилади. Масалан, чап қўл билан қарши олиш, ўнг қўл билан ёндан бошга зарба ва бошга қарши хужум қилиш, турли хил алдашлар, сайд-степлар ва х.к.

Ҳужум йўналишини билиш ва уларни қайтаришга ёрдам берадиган машқлар ҳажми 15,7% ни ташкил этди: улар орасида турли жойларга (бошга, гавдага) қарши зарбалар бериш. Боксчиларнинг ҳимоядан хужумга ўтиш қобилиятини такомиллаштиришга қаратилган машқлар кам қўлланилади. (9,9%). Масалан, ўнгга, чапга оғишлар ва кетидан жавоб зарбаларини бериш.

Тренер машғулотда боксчи қизларнинг хужумдан ҳимояга ўтиш (7,6%), битта хужум туридан иккинчисига ўтиш (4,1%) малакасини ривожлантiriшга қаратилган машқларга жуда кам аҳамият берилади. Спортчининг тайёрлов ҳаракатлари ҳамда хужум ҳаракатларини фарқлаш ва уларга

каршилик кўрсатиш қобилиятини такомиллаштирадиган воситаларга жуда кам эътибор берилади (3,4%).



*Расм. Машғулотда тренер томонидан қўлланиладиган боксчи қизлар реакцияларини ихтисослаштиришига қаратилган машқлар турларининг ҳажми.*

Шартли белгилар: 1 - хужум учун бош, гавда қисмларини фарқлаш ва зарбалар бериш малакаси; 2 - хужум йўналишини фарқлаш ва уларни қайтариш; 3 - оддий ва мураккаб ҳаракатларни фарқлаш ҳамда уларга қаршилик кўрсатиш; 4 - тайёрлов ҳаракатлари ва хужум ҳаракатларини фарқлаш ҳамда уларга қаршилик кўрсатиш; 5 - хужумдан ҳимояга ўтиш; 6 - хужумнинг бир туридан иккинчисига ўтиш; 7 - ҳимоядан хужумга ўтиш.

Шундай қилиб, тренер машғулотда қўлланиладиган, боксчи қизлар реакцияларини ихтисослаштиришга қаратилган машқлар турларини қўллаш ҳажми тўғрисида олинган маълумотлар таҳлили қўйидаги хуносага келишга имкон беради. Асосий эътибор қўйидагиларга қаратилади: хужум жойларини фарқлаш ва зарба бериш; хужум йўналишларини фарқлаш ва уларни қайтариш; оддий ва мураккаб ҳаракатларни фарқлаш ҳамда уларга қаршилик кўрсатиш. Мазкур машқлар ҳажми 75,0%ни ташкил қиласди. Бундан ташқари ҳимоядан хужумга, хужумдан ҳимояга, битта хужум туридан иккинчисига ўтиш, тайёрлов ва хужум ҳаракатларини фарқлаш ҳамда уларга қаршилик кўрсатиш малакасини эгаллашга қаратилган машқлар сони атиги 25,0% ни ташкил этади. Бироқ боксчилар мусобақа фаолияти тадқиқотлари натижаларининг таҳлили шуни кўрсатди, келтирилган беллашувларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан айнан шундай машқларни қўллашга боғлиқ. Бу аниқланган нисбатни оптималь деб тан олишга имкон бермайди. Демак, тренерлар спортчи билан машғулот олиб боришда боксчининг бир фаолият туридан иккинчисига ўтиш малакасини такомиллаштиришга қаратилган машқлар ҳажмини ошириши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, тренер боксчи қизлар билан олиб борадиган индивидуал машғулотларида кўпроқ спорт ва ҳаракатли ўйинлар, координация, тезкорликка мўлжалланган гимнастика машқлари, югуриш, сакраш, комбинациялашган эстафеталар қўлланилиши ҳамда снарядлар билан (тўлдирма ва теннис тўплари, ҳалқалар, гимнастика таёқчалари, арқон ва боксчи қизлар снарядлари) бажариладиган машқларга катта эътибор бериш керак. Бу эса уларда бокс техникасини одатдаги кетма-кетликда бажариладиган усулларни амалиётда самарали қўллашларида туртки бўлувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Боксчи қизларни тактик тайёрлашда кўпроқ тайёргарлик даврида машқларининг тезланиш фазасини қайд қилиш ҳаракатларига катта эътибор қаратиш билан бирга уларни оддий зарбалардан мураккаб турдаги зарбаларга ўтиш малакасини шакллантириш зарур. Бунда боксчи қизларнинг спорт натижаларининг янада тезроқ ўсишига хизмат қиласди ва мусобақалардаги машқ бажариш ишончлилигини оширади.

## References:

- Халмухамедов Р.Д. Бокс. -Тошкент. Лидер Пресс, 2008

2. Р.Д.Халмухamedов, В.Н.Шин, С.С.Тажибаев, Ф.К.Ражабов, В.Д.Анашов. “Боксчиларнинг спорт педагогик маҳоратини ошириш”. Дарслик, Тошкент, 2020-йил. 593 бет.
3. Р.Д.Халмухamedов, В.Н.Шин, С.С.Тажибаев, Ф.К.Турдиев, Ф.К.Ражабов. “Бокс назарияси ва услубияти”. Дарслик, Тошкент, 2018-йил. 372 бет.
4. Турдиев Ф.К. Бокс тренерининг индивидуал дарс олиб бориш жараёнидаги маҳсус малакаларини шакллантириш: Дис...канд.пед.наук – Т., 2002 – 132 с.
5. Ачилов А.М, Халмухamedов Р.Д., Шин В.Н, Тажибаев С.С, Ражабов Ф.К. “Ёш боксчиларни тайёрлаш асослари” “МУМТОЗ СЎЗ” 228 бет. 2012 й. 228 бет.
6. Р.Д.Халмухamedов, С.С.Тажибаев, Ф.К.Ражабов. “Яккакураш спорт турлари (БОКС)”. Дарслик, Тошкент, 2015-йил. 182 бет.
7. Akhmedov, B. A., Askarova, M. R., Xudayqulova, F. B., Tojiboeva, G. R., Artikova, N. S., Urinova, N. S., ... & Omonova, S. M. (2022). PEDAGOGICAL SCIENCE EDUCATION MANEGMENT IN TEACHING SCIENCE OF PEDAGOGICAL SCIENCES. Uzbek Scholar Journal, 10, 529-537.
8. Тунъян, А. А., Тошпулатов, Х. М., Ибрагимов, Ф. З., Умматов, А. А., Пулатов, А. А., Ашуркова, С. Ф. (2021). Развитие паралимпийского спорта в Ташкентской области. Спорт и социум, 5(14), 76-78.
9. Turdalievic, AF (2020). Center For Scientific And Methodological Support, Retraining And Advanced Training Of Specialists In Physical Culture And Spot Under The Ministry Of Physical Culture And Sports Of The Republic Of Uzbekistan. Journal of Social Science and Educational Innovations, 2(2), 322-330.
10. Abdullaev, FT (2022). Theoretical and Practical Basis of Determining Fitness for Sports. Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities, 12, 121-128.
11. Farhad, A. (2022). Fundamentals of boxing training organization and methodology: Abdullayev Farhod, Institute of scientific-methodical provision, retraining and advanced training of physical education and sports specialists under the Ministry of Physical Education and Sports of the Republic of Uzbekistan. Obrazovanie i innovatsionnye issledovaniya international scientific-methodical journal, (3), 142-146.
12. Turdalievich, AF (2022). Youth Sports Development. Galaxy International Journal of Interdisciplinary Research, 10(5), 781-785.
13. Abdullayev, FT (2022). Actual problems of modern sports preparation for the Olympic and Paralympic Games. XXXII Summer Olympic and XVI Paralympic Games held in 2021, 1(5), 4-6.
14. Abdullayev, FT (2022). Competition of young boxers and their technical and tactical training, taking into account the characteristics of training activities. Monograph, 1(1), 100-155.
15. Abdullaev, F.T., Jumanov, O.S. (2020). Factors affecting the individualization of the indicators of the use of movements in training battles and competitions. Current problems of training athletes for the XXXII Summer Olympics and XVI Paralympics in 2020, 1(2), 171-173.
16. Abdullaev, F.T., Pardaev, B.P. (2020). Improvement of preparatory actions in training fights and competitions in young boxers. Actual problems of training athletes for the XXXII Summer Olympics and XVI Paralympics in 2020, 1(1), 8-10.
17. Turdalievich, AF, & Turdalievich, PB (2020). The Role of Public Sports and Health Measures in Strengthening Children's Bodies. Academic Research in Educational Sciences, (4), 9-14.
18. Turdaliyevich, A. F., & Pulatovna, A. B. (2020). Organization of Swimming Lessons in Preschool Institutions. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(07), 322-330.
19. Turdaliyevich, A. F. (2020). Center For Scientific And Methodological Support, Retraining And Advanced Training Of Specialists In Physical Culture And Spot Under The Ministry Of Physical Culture And Sports Of The Republic Of Uzbekistan. *Journal of Social Science and Education Innovations*, 2(2), 322-330.
20. Abdullaev, F. T. (2022). Theoretical and Practical Basis of Determining Fitness for Sports. *Periodica Journal of Modern Philosophy, Social Sciences and Humanities*, 12, 121-128.
21. Farhod, A. (2022). Boksda mashg'ulotning tashkil etilishi va metodikasi asoslari: Abdullayev Farhod, O'zbekiston Respublikasi Jismoniy tarbiya va sport vazirligi huzuridagi jismoniy tarbiya va

- sport bo'yicha mutaxassislarni ilmiy-metodik ta'minlash, qayta tayyorlash va malakasini oshirish instituti. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (3), 142-146.
22. Turdalievich, A. F. (2022). Youth Sports Development. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(5), 781-785.
23. Abdullayev, F. T. (2022). Olimpiya va paralimpiya o'yinlariga zamonaviy sport tayyorgarligining dolzarb muammolari. 2021 yilda o'tkazilgan XXXII yozgi Olimpiya va XVI Paralimpiya o'yinlari, 1(5), 4-6.
24. Abdullayev, F. T. (2022). Yosh bokschilarining musobaqa va mashg'ulot faoliyati xususiyatlarini hisobga olgan holda ularning texnik taktik tayyorgarligi. Monografiya, 1(1), 100-155.
25. Абдуллаев, Ф.Т., Жуманов, О.С. (2020). Машғулот жангларида ва мусобақаларда ҳаракатларнинг қўлланилиш кўрсаткичларининг индивидуаллашувига таъсир қилувчи омиллар. 2020 йилда ўтказиладиган XXXII ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, 1(2), 171-173.
26. Абдуллаев, Ф.Т., Пардаев, Б.П. (2020). Ёш боксчиларда машғулот жанглари ва мусобақалардаги тайёргарлик ҳаракатларини такомиллашириш. 2020 йилда ўтказиладиган XXXII ёзги олимпия ва XVI паралимпия ўйинларига спортчиларни тайёрлашнинг долзарб муаммолари, 1(1), 8-10.
27. Turdalievich, A. F., & Turdalievich, P. B. (2020). The Role of Public Sports and Health Measures in Strengthening Children's Bodies. *Academic Research in Educational Sciences*, (4), 9-14.